

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (10.960)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар



## Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

### Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликларида хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги фаоллигини оширишга қаратилган анжуман ўтказилди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Шифокорлар» маҳалласида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етақчилар Кенгаши ташаббуси билан маҳаллалар болалари иштирокида ўтказилган асфальтга расм чизиш акцияси «Дунё — болалар нигоҳида» деб номланди.

● **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Машинасозлар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида «Нурли истиқболга элтувчи ғоя» мавзусида маҳалла фаоллари, ўсмир ёшлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 51-оилавий поликлиникада Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши хомийлигида «Бўстон» маҳалласида яшовчи ёлғиз қариялар тиббий кўриқдан ўтказилди.

● **БУГУН** шаҳримиздаги «Меҳрон» ҳамда «Гулистон» маҳаллалари ёшлари учун «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Нотаниш» фильми намойиш этилди.

● **ЭРТАГА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида уюштирилган давра суҳбати «Маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат но-тижорат ташкилотлар орасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, фуқаролик жамияти институтилари томонидан жамоатчилик назоратини шакллантириш» мавзусига бағишланди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ёшларнинг она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топшишларига имкон яратиш, Истиқлолнинг бекиёс аҳамиятини англашлариغا ёрдам бериш мақсадида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Юлдузлар ташрифи» тадбирида маҳаллада яшовчи билимдон, зукко ёшлар, «Камолот» фаоллари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



### ЮНУСОБОД ТУМАНИ

Муस्ताқиллик йилларида шаҳримиз туманлари кун сайин чирой очиб, гуллаб-яшнамоқда. Айниқса улар орасида ўз номига ярашқили оқиб ва файзли гўшалардан саналмиш Юнусобод кўркам ҳамда истиқболли туманлардан саналади. Бугунги кунда туманда Энг улуг ва энг азиз байрамимиз— Му-стақиллигимизнинг 16 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан қутиб олиш мақсадида қизгин тараддув кўрилмоқда. Кенг кўламли бунёдкорлик, обдончилик, яратувчанлик ишлари жадал бормоқда.

Ўз файзу таровати, кўркамлиги, бағрикенг, саховатли ва меҳр-оқибатли кишилари билан ажралиб туривчи ушбу туман 1936 йилда ташкил топган бўлиб, ҳудуди 4106 гектарни ташкил қилади. Аҳоли сони 290,4 минг кишидан иборат мазкур туманда 58 та маҳалла, 293 та ширкатлар, 4684 та қорхона ва ташкилотлар, 4 та олий ўқув юрти, 69 та мактабгача таълим муассасаси, 41 та мактаб, 6 та касб-хунар коллежлари, 6 та лицей мавжуд. Шунингдек, туман аҳолисига 9 та касалхона, 57 та поликлиника, 7 та маданият уйлари, 1 та кутубхона, 3 та мусика мактаби, 467 та маиший хизмат кўрсатиш қорхоналари хизмат кўрсатади.

Туман халқ ҳўжалигининг асосий соҳаларида ўсиш суръатлари анча юқори бўлиб, жумладан, саноат маҳсулотли ишлаб чиқариш ҳажми 112,1 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 127,4 фоизга етказилди. Кичик бизнес субъектларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш 22,5 фоизга, яқна тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар бўйича 17,4 фоизга етказилди. 2007 йил бошидан

жами 35240,3 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, шунинг ҳисобига 18 минг м2 турар жой бинолари бунёд этилди, бир қатор савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Туманда халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан мактабларда жами 977,1 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Марказлашган маблағлар ҳисобига Саноат коллежининг қайта қурилишига 1266 миллион сўм маблағ сарфланди, янги ўқув йилида бу коллеж Тошкент Кимё-технология институтининг 720 ўринли академик лицейига айлантирилди. Бундан ташқари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига 19-мавзуда спорт мажмуаси бунёд этилмоқда, ҳозирги кунгача бу жойда 82,0 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди. Хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес қорхоналари ҳисобига қиймати 354,9 миллион сўмлик 18 та янги объект ишга туширилди. Йилнинг биринчи ярим йиллигида туманда 38,3 миллион АҚШ доллари миқдоридан тайёр маҳсулот ва хизматлар экспорт қилиш вазифи 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан олтига билан бажарилди, ўсиш суръати 143,8 фоизни ташкил этди.


Шуни таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2007 йил 5 январдаги «Йirik саноат қорхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан уйда меҳнатни ташкил қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Жорий

йил биринчи ярим йиллигида уйда меҳнатни ташкил этиш бўйича жами 464 та ишчи ўрни яратилди ва белгиланган вазифа 105,9 фоизга бажарилди. Шу жумладан йirik саноат қорхоналарида 339 та ишчи ўрни яратилиб, вазифа 108,3 фоизга таъминланди.

Туманда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш Дастурида белгиланган чора-тадбирлар жадал асосида олиб боришмоқда ва асосий истиқбол кўрсаткичлар бажарилди. 2007 йилда кичик қорхоналар ва микрофирмалар тузиш ҳисобига 2307 та янги иш ўринлари ташкил қилинди, бу белгиланган вазифадан 647 тага кўпдир. Туман халқ ҳўжалиги соҳаларида кичик бизнес қорхоналарининг улуши саноатда 31,6 фоиз, қурилишда 82,1 фоиз, савдода 46,7 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш 43,4 фоизни ташкил қилади. Жорий йил ярим йиллик якунлари бўйича кичик қорхоналар ва микрофирмалар томонидан 6146 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилинди, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан экспорт ҳажми 4029 минг АҚШ доллариға ёки салкам уч баробарга ошди.

Хулоса қилиб айтганда, Юнусобод туманида барча соҳаларда ўсиш суръатлари юқори дейиш мумкин. Халқ фаровонлигини таъминлаш, обдонлаштириш, бунёдкорлик ишларини жадал олиб бораётган туман аҳолиси аynи кунларда Энг улуг ва энг азиз байрамимиз— Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар ила ёрўз юз билан қутиб олиш иштиёқидалар.

(Юнусобод туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)



## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан Истиқлолнинг 16 йиллиги олдидан ташкил этилган «Муस्ताқиллик: мен ва имкониятларим» мавзусидаги ёшлар марафонининг ишчи гуруҳи Андижон вилоятига ташриф буюрди.

● Республика мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, республика техник ва амалий спорт турлари маркази Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Муस्ताқиллигининг 16 йиллиги байрамига бағишланган армияга чақирик олди ва чақирик ёшидаги ўсмирлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларини ўтказди.

● «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик бирлашмасининг Мис бойитиш фабрикаси ҳамда «Кауди» кон қазиб олиш участкаларида республика ҳарбийлашган тоғ-қутқарув, комбинат фуқаро муҳофазаси отрядларининг навбатдаги тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.

● Бухоро вилояти Маънавият тарғибот марказида бўлиб ўтган «Маҳалла тарихини ўрганиш» кўрик-танловининг вилоят босқичида 13 та жамоа голиблик учун баҳс олиб борди.

● Қибрай туманидаги «Истиқлол» мажмуасида ОИТС, сил касалликларининг олдини олиш бўйича «Глобал фонд лойиҳаси» ижросини таъминлаш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди.

● Марғилон шаҳрининг «Йўрмадўз» маҳалласида икки қаватли ёшлар шифохонаси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Шифохонани таъмирлаш-қурилиш ишларини «6-кўчма механизациялашган жамланма» масъулияти чекланган жамияти курувчилари олиб боришди. Ушбу ишларга 70 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

● «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниясида 2007 йилги узум хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарликка бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Норин туманидаги «Шоҳид мазор» маҳалласида 15-мактабнинг қурилиш ниҳояланмоқда. Смета қиймати 1 миллион сўмлик ушбу мактаб қурилишида ҳозирда пардозлаш ишлари якунланмоқда. Қурилиш жараёнида бир қатор янги композит материаллар, жумладан «Аква» шиша пакетларидан фойдаланилди. Ушбу янги мактаб Муस्ताқиллигимизнинг 16 йиллигига фойдаланишга топширилади.

### ЖАҲОНДА

● Эртага Буюк Британия пойтахти Лондонда Европа Иттифоқи, Россия ва АҚШдан иборат алоқа гуруҳининг Косово мақоми муаммоси юзасидан сиёсий директорлар даражасидаги учрашуви бўлиб ўтади.

● Кеча Анкарада Туркия ва Ироқ мамлакатлари ўртасида қурд жангариларига қарши ҳамкорликдаги курашни қучайтиришга қаратилган меморандум имзоланди.

● Россия ташқи ишлар вазири Алексей Кудрин ўзининг афғонистонлик ҳамкасби билан расмий Кобулниң собик Иттифоқ давридаги қарзларни тартибга солувчи шартномани имзолади. Айтиш керакки, Афғонистоннинг Россия олдидаги умумий қарзи 11 миллиард долларни ташкил этмоқда.

● Афғонистонлик жангарилар гаровдаги 16 нафар Жанубий корейлик аёлларни Толибон ҳаракатининг ахбсдаги шу миқдордаги тарафдорларига халаштиришни тақлиф қилишди. Бироқ АҚШ ва Афғонистон Президентлари Жорж Буш ва Ҳамид Карзай жангариларга асло ён босмасликларини билдирди.

● Бангладеш, Ҳиндистон ва Непалда тинимсиз давом этаётган муссон ёмғирлари 2000 кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди. Жумладан, сув тошқинлари Бангладеш ҳудудининг ярмисини эгаллаган, мамлакатда озиқ-овқат, ичимлик суви ва доридармонлар етишмовчилиги юзга келган бўлса, Ҳиндистондаги минглаб қишлоқлар тошқинлардан қаттиқ зарар кўрди.

● Кеча Бағдодда яна бир кучли портлаш рўй берди. Шаҳар марказида доимо одам гавжум бўладиган автомобилларга ёнилик қуйиш станцияси ёнида уюштирилган террорчилик ҳаракати оқибатида 55 киши ҳаётдан кўз юмди, 60 дан ортиқ киши тан жароҳатларини олди.

● Мамлакатга сайёҳларни қўллаб жалб этиш мақсадида Хитойда ноёб иншоот — бўйи 30 метр ва узунлиги 21 километрлик улкан аждаҳо бунёд этилди. Мазкур бетон аждаҳо Хэман марказий музофотида Шидзу тоғлари атрофида қад ростлайди ва Хитойнинг XXI асрдаги тез суръатларда ривожланишини ифода этади.

● Кеча Нигерияда бундан икки ой муқаддам жангарилар томонидан гаровга олинган олти нафар россиялик фуқаро озод этилди.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 9 август кунни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-21, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

### Одил Муҳаммад Абдурасул ҲАСАН ҲАЁТ:

## ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР ТАҲСИНГА ДОЙИК

**КУВАЙТ ДАВЛАТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА, 1991 ЙИЛНИНГ ДЕКАБРИДА ТАН ОЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН-КУВАЙТ МУНОСАБАТЛАРИНИ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ҚИЧИШ ВА МАЗМУНАН ЯНАДА БОЙИТИШДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2004 ЙИЛ ЯНВАР ОЙИДА КУВАЙТГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛДИ.**

Ташриф асносида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди — қатор ҳужжатлар имзоланди, кўплаб келишувларга эришилди. Улар орасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти катнови, шунингдек, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар бор.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида ЎА мухбири Кувaйт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулдда ва мухтор элчиси Одил

Муҳаммад Абдурасул ҲАСАН ҲАЁТ билан суҳбатлашди. — **Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболини қандай баҳолайсиз?**

— Ўзбекистон билан Кувaйт ўртасидаги муносабатлар ҳавас қилса арзиғулик даражада изчил ривожланиётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки икки томонлама алоқаларимиз ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат асосига қурилган. Муносабатлар шу руҳда янада ривожланиб бораверишига аминман.

Президент Ислам Қаримовнинг 2004 йил январь ойида Кувaйтга ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун кенг имкониятлар очиб, икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади, алоқалардаги фаолликни оширди.

Жорий йилнинг июнь ойида Кувaйт Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида англашув меморандуми имзоланди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга мўлқ масалаларни биргаликда муҳокама этиб бо-

ришни кўзда тутувчи ушбу ҳужжат ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, биз Ўзбекистон раҳбарининг оқилона сиёсатини, мамлакатингиз билан ҳамкорликни жуда қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланишга ва икки томон учун ҳам манфаат келтираётгани бизга мамнуният бағишлайди.



— **Ўзбекистон билан Кувaйт ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси йўналишларини устувор, деб биласиз?**

— Кувaйт Ўзбекистон билан барча соҳаларда алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Ўзаро муносабатларимиз ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар йўналишларда, айниқса, изчил мустаҳкамланмоқда. Бунда Президент Ислам Қаримовнинг Кувaйтга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган аҳдлашувлар муҳим ўрин тутди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар давлатлараро ва идоралараро муносабатларни, савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш учун кенг йўл очиб, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда)

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



Қарор ва ижро

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

ИНСОН ЯРАЛИБДИКИ, ОНГИ, ТАФАККУРИ ЮКСАЛИШ, ФИКР ДОИРАСИ КЕНГ, ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОН ДАРАЖАСИГА ЕТИШГА, ОДОБУ АХЛОҚЛИ, БИЛИМЛИ БЎЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. БУГУНГИ КУНДА ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ШАҲРИМИЗ ТУМАНВАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН МАЪНАВИЯТ ТАРБИЁТ БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЯХШИ САМАРАЛАР БЕРМОҚДА.

Жумладан, Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарихоти ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорига асосан туманда 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида мўлжалланган иш режаси ҳамда туманда ижтимоий, маънавий-маърифий ишларни янада яхшилаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, маҳалла фуқаролари йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда ёшларнинг фаолигини ошириш бўйича мажмуавий дастур ишлаб чиқилиб, амалда bajarилмоқда.

—Дастур ижроси бўйича туманда жойлашган қорхона, ташкилотларда, маҳаллаларда, олий ўқув юрталарида ҳамда даволаш муассасаларида, туман аҳолисининг маънавий-маърифий билим даражасини ошириш, миллий кадрларимизни замонавий руҳда тарбия этиш ва фуқароларнинг конституцион билимларини ошириш, услубий-методик ёрдам кўрсатиш бўйича махсус намунавий чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб ва жойларга етказилди.—деди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахмонова.— Ҳар бир маҳаллада «Маънавият тарғибот» бурчаги ташкил этилган. Таълим муассасаларининг талаба-ўқувчилари билан жадвал асосида пойтахтдаги музейлар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилиб, у ерда очик дарслар ўтказилмоқда. Шунингдек, туман халқ таълими бўлими, «Маҳалла», «Нуроний», «Олтин мерос» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ, ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида саксонга яқин маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларда асосан эътибор миллий ғоянинг тарғиботи, ёшларга диний қадриятлар ва миллий урф-одатлар, анъаналарни тўғри аңлашни тушунтириш, диний ақидапарастлик, гивандлик, фохшасозлик ва турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот этиш, аҳолини оғоҳликка ундаш, мустақиллик ва тинчлик аталмиш бебаҳо неъматимизнинг қадрига етиш ва уни асраш мавзуларига қаратилди. Шу билан бирга Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан жойларда мустақиллик, тинчлик, миллатлараро ва динлараро тотувлигини тарғибот этиш маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Айни кунларда туманда «Мустақиллик байрами» барчамизники, бутун халқимизники» мавзусида таниқил ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндalари билан маҳаллаларда ҳамда болалар оромгоҳларида урчушулар қизгин давом этмоқда. Бундай тадбирлар албатта ёшларни она Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда, шунингдек, уларнинг маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Зеро, юксак маънавиятли халқнинг эртаси буюқдир.

МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛОМ АВЛОДНИ КАМОЛ ТОПИРИШ, ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Жумладан Юнусобод туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида муайян чора-тадбирлар белгиланган. Тиббиёт ходимлари 2007 йил биринчи ярим йиллигида 290683 нафар аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатдилар. Дастур ижроси бўйича тумандаги ёлғиз, ёрдамга муҳтож қариялар, ногиронлар, кам таъминланганлар рўйхатга олинди, улардан 211 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Ва 187 кишида касаллик аниқланиб, 126 нафар қария амбулатор шароитида, 17 нафари стационар шароитида, 44 нафари кундузги шифохонада соғломлаштирилди. 21, 31-Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 108 нафар қиз шахар диагностика марказида чуқур тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар даволаш учун назоратга олинди. Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик беморларга 171 та имтиёзли рецептлар ёзиб берилди. Соғлом оила-

Эл соғлиғи—юрт бойлиғи БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

ни шакллантириш, туғма ногиронликнинг олдини олиш мақсадида 812 нафар келин-кувв тиббий кўриқдан, туғма ногиронликнинг олдини олиш мақсадида 646 нафар ҳомиладор аёллар скрининг марказида текширувдан ўтказилди. Тумандаги «Шахристон», «Оқтепа», «Иттифок» маҳаллалари аҳолиси ўртасида «Соғлом турмуш тарзи» мавзусида семинарлар бўлиб ўтди. Бугунги кунда тумандаги 41,44-оилавий поликлиникада ҳомиладор хисобига таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, айни кунларда тумандаги шахар болалар клиник шифохонасида кенг кўламли таъмирлаш ишлари давом этмоқда. 405 ўринга мўлжалланган махсус шифохона бугунги кунда таниб бўлма қиёфага кирган. Шифохона «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Навоийтоғконметаллургия» комбинати, Зарафшон қурилиш бошқармаси ҳомийлигида тула капитал таъмирдан

Ватан ичра кичик бир Ватан

МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Дўстларга бағри кенг, доимо ҳамдам, Каттаю кичикка ҳамхўр маҳаллам, Ҳамisha файзли, обод маҳаллам, Тотувлик, бирдамлик, оқибат шунда.

ДАРҲАҚИҚАТ, МАҲАЛЛА—МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, АНЪАНАЛАРИМИЗ ҚАДР ТОПГАН МУҚАДДАС МАСКАН, ОИЛАЛАР ТОТУВЛИГИНИ, АҲОЛИ ТИНЧЛИГИ, ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН, ҚЎНИ-ҚЎШНИЛАРИНИ БАҲАМЖИХАТЛИК ВА БИРДАМЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҚУДРАТЛИ ҚЎРҒОН ҲИСОБЛАНДИ.

Юнусобод туманидаги мавжуд 58 та маҳалла мустақиллик йилларида янада гуллаб-яшнаб, обод ва кўркам гўшага айланди. Туманда маҳаллаларни ободонлаштиришга катта эътибор қаратилиб, янги замонавий маҳалла гузарлари барпо қилинди. Яқингинада бўлиб ўтган «Маҳалла куни» байрам тадбирида бунинг яққол гувоҳи бўлдик. Тадбир доирасида тумандаги маҳаллаларда ўтган бир йил ичида амалга оширилган ишлардан воқиф этувчи кўргазмалар намойиш этилиб, маҳаллада фаолият юритаётган турли тўғрақлар катнашчиларининг ва ҳунармандларнинг бетақдор ижод намуналари, касаначилик асосидаги махсуслотлар кенг ўрин олди. Байрам тадбирида турли номинациялар бўйича голиб чиққан маҳаллалар фаоллари эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мустақиллигимиз байрами арафасида тумандаги маҳаллалар ҳаёти билан танишар эканмиз, атрофлари кўкчамзор, файзли, обод маҳаллалардан бири хисобланган «Боғишамол» маҳалласи эътиборимизни тортди. Маҳалла гузари олдида беш-олти нафар фаоллар ўзаро суҳбат-

лашишар, бугунги кун режаларини ўртоқлашишаётганди. — Маҳалламизда айни кунда Энг улуг ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш учун қизгин ҳозирлик кўрилмоқда,—деди «Боғишамол» маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Хушрўй Ахматова.— Ҳозирда ободонлаштириш ишлари бўйича штаб ташкил қилинган. Байрам олдида маҳалламизда бунёдкорлик ишлари авжида. 60-уй таъмирланиб, муҳандислик-коммуникация ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, 45,40,24,14,32,37-уйларда ҳам таъмирлаш давом этмоқда, кўп қаватли уйлар олди ва мактаблар атрофидаги ўйдим-чуқур ерларга асфальт ётқизиш ишлари амалга ошириляпти. Бундан ташқари болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт билан шуғулланишлари учун кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончалари ташкил қилинмоқда. Ҳар кун эрта тонгдан ширкат раислари, СЭС ходимлари, участка нозирлари билан биргаликда йиғилиш ўтказилиб, иш режаларимизни белгилаб оламиз. Шу билан бирга маҳалламизда турли хил маданий-маърифий тадбирлар, семинарлар, кизикарли учрашувлар ва танловлар ўтказиб туриамиз. Мақсадимиз маҳалламиз аҳолиси, оилалар тотувлиги, фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш, вояга етмаган ёшлар тарбиясига муҳим эътибор билан қараш, маҳаллада кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишиларга ёрдам бериш, йиқилганни суяшдан иборат. Мустақиллигимиз байрами арафасида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан маҳалламизда катта байрам тадбири ўтказилади ва кам таъминланган, ёлғиз кексалар, ногиронларга байрам совғалари улашилади.

Умуммиллий дастур — амалда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА

жадал бормоқда. 117, 122, 250, 288-мактабларда эса жорий таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. 2007 йилда режага кўра давлат бюджетидан 81 миллион 680 минг сўм маблағ ажратилиб, 11 та мактабга таълим муассасалари ва 21-Мехрибонлик уйда таъмирлаш ишлари бажарилди. Тумандаги қолган 35 та мактаб, 53 та мактабга таълим муассасаларида янги 2007-2008 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик мақсадида ҳомийлар, васийлик кенгаши ёрдамида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 414-қарори асосида бюджетдан ташқари топилган қўшимча маблағ ҳисобидан таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини меъбел, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш да-

стури тўғрисида»ги 493-сонли қарорига асосан капитал ҳамда жорий таъмирланаётган мактаблар меъбел тўплалари, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминланди. Бугунги кунда ҳар бир мактабга 5-9-синфлар учун меъбеллар жамламаси келтирилди.

Таълим муассасаси фаолиятининг замон талаби асосида ташкил этилиши, унинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва таълим сифатини яхшилаш борасидаги ижодий ишлари туфайли туман ХТБ тасарруфидаги 260-мактаб жамоаси «Йилнинг энг яхши мактаби» Республика кўрик-танловида совринли 2-ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳар бир фан йўналишида ташаббускор, ижодкор ва илгор педагоглари аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ўтказиладиган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида туман ўқитувчилари шахар, республика миқёсида биринчиликни қўлдан бермаётирлар. Бу ўқув йилида туман бўйича танловда 39 нафар ўқитувчи иштирок этиб, улардан шахар танловида 16 нафар ўқитувчи совринли ўринларни эгаллаб, 9 нафари Республика танловида қатнашиб муносиб ўринларни қўлга киритишди. Умумтаълим фан олимпиадалари натижаларига кўра туман жамоаси шахарда 8 йилдан буюн туманлараро биринчиликни эгаллаб келмоқда.

Саҳифани Дилором ИКРОМОВА тайёрлади. Козим Ўлмасов олган суратлар.

Одил Муҳаммад Абдураул ҲАСАН ҲАЁТ: ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛА ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ (Давоми. Боши 1-бетда).

Икки томонлама муносабатларда парламентларорқалар алоҳида ўрин тутди. 2002 ва 2005 йилларкувайт парламенти делегациялари Ўзбекистонда бўл Бу ташрифлар икки томонлама сиёсий ҳамкорлигимизнада мустаҳкамлаш баробарида, қонун ижодкорлиғиқасида кенг тажриба алмашиши йўлга қўйишга асос ди. Ал-Кувайт шаҳрида 2006 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бек халқи хен қачон, хен кимга қарам бўлмайди» асаринг араб тилидаги нашри тақдими ўтказилди. Ушбуқеа ҳам халқаримизнинг маънавий яқинлигидан бироплатдир.

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси Ўзбекистон билан анча йиллардан буюн самарали ҳамкорликки келади. Араб мувофиқлаштириш гуруҳига аъзо қур жамғарма делегациясининг жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистонга ташрифи ўзаро ҳамкорлик алоқаларинада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Нуфузли араб мявий ташкилотлари мажлисининг Тошкентда ўтказиши халқаро миқёсда Ўзбекистон обрў-эътибори ўсибратганининг яна бир эътирофи эканини алоҳида тидламоқчиман. Айни пайтда икки мамлакат савдо-оат палаталари ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилгкувайтда 2004 йилнинг май ойида Ўзбекистонинкс-порт, сармоа ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланганис-нес-семинар ва кўргазма ташкил қилингани иқтдий ҳамкорликини ривожлантиришга интилишларимиз итарак эканлигидан далолат.

Ўзбекистоннинг Кувайтга экспорти сайёҳлик, муникация ва сугурта хизматларини ўз ичига олган. Млакатиингизда кувайтлик сармоадорлар иштирокида йффақиятли фаолият юритаётган қўшма қорхоналардади «Anwarul Houda» бўлиб, у меъбел ишлаб чиқариши сотиш ҳамда кишлоқ хўжалиги махсуслотларини қайиш-лашга ихтисослашган.

Юртингизда хорижий сармоадорлар бизнес юрши учун яратилган қулай сармоавий муҳит, зарур шар ва имтиёзлар чет эллик, жумладан, кувайтлик ишбилоннинг қизиқишини тобора оширмоқда. Ўзбекистонд хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийётда изчилликлан амалга ошириляётган ислохотлар, кичка бизнес вусусий тадбиркорликини ривожлантириш борасидагиварширлар ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистон ва Кувайт транспорт ва коммуникалар, кишлоқ хўжалиги, энергетика, сув таъминоти қабуҳа-ларда самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ўзараво транспортни алоқасини йўлга қўйишдан ҳам иккимон бирдек манфаатдор.

Биз илм-фан ва таълим, юқори технологияларқасида сармоавий ҳамкорликини янада фаоллаштиришда келгусида икки томонлама манфаатли лойиҳалар лаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

— Таълим, фан ва маданият масалалари бича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидаяшкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пошти деб эълон қилинди...

— Ўзбекистон ўзининг қадимий ва бой тарихи тан, шунингдек, ислом маданияти бешикларидан бирифта-тида дунёга машхур. Ўзбек диёрининг жаҳон илвани ва ислом маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса иган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳондин Маргиноний, Махмуд аз-Замашаҳрий каби буюк (мо-лари билан араб дунёси ҳам фахрланди. Ўзбектон раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан юртизта қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва арабай-лаш борасида амалга ошириляётган кенг кўламишлар таҳсинга лойиқдир.

ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йлда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ила-катиингизда аждодлариниғ қолдирган бой маъна ва маданий меросни ўрганиш ва ривожлантириш боида қилинаётган хайри ишларнинг халқаро миқёсда яна бир эътирофидир.

— Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгарлар ҳақида нима дея олисиз?

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эрипган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Мамлакатиниғ истиклолғаш-гач, барча жабхаларда, жумладан, ижтимоий, иқтдий, сиёсат, ҳуқуқ, маданият, илм-фан ва таълим, қиқч ва сув хўжалиги, юқори технологиялар, коммуникалар, машинасозлик ва сайёҳлик каби бўлсаб соҳалардақин ўзгаришларни амалга ошириб, катта ютуқларга эиди. Юртингизда бозор муносабатларини қарор топтири чет эл сармоасини жалб этиш, ишлаб чиқаришни риван-тириш борасида амалга оширилган улкан ишлар жик-лик ишбилармонларнинг қизиқишини тобора кучтир-моқда.

Мамлакатингиздаги ислохотларни кузатиб борақан-ман, Ўзбекистон Республикасида Президент лом Каримов раҳбарлигида демократия асосларини итаҳ-камлашга, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни дала-лаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга ақда эътибор қаратиляётганига гувоҳи бўляётиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яла-шиб келаятган Мустақиллик айёми билан чин қалидан табриқлайман. Юртингиз тинчлиги абадий бўлсинеро, тинчлик ҳар қандай мамлакат ривожининг энг муҳими-лидир.

ЎЗА МУРИ НОДИРА МАНЗЎВА СУХТАБДИ.

Транспорт

ЯНГИ РЎСУМДАГИ МИКРОАВТОБУСЛАР

ЭЪТИБОР ҚИЛГАН БЎЛАНГИЗ, ШАҲРИЗ КЎЧАЛАРИДА ЯШИЛ РАНГА БЎЯЛГАН МИКРОАВТОБУСЛАР ҲАМ ҚАТНАЙ БОШЛДИ. САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИДА ТАЙЁРЛАНИБ, ПОЙТАХТИМИЗГА ОЛИБ КЕЛИНГАН «ИСУЗУ» РЎСУМИ БУ ХИЛ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ДАСТЛАБ «УНИВЕРСИАДА-2007» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ХИЗМАТИДА БЎЛДИ.

Хатто уларнинг ён томонига «Универсиада —007» логотипи туширилган ёзув ҳам битилган эди.

Эндликда йўловчилар узогини яқин қилаётган «Исузу»лар кўпчиликка ёқиб қолди. Зеро, улар техникусу-сиятлари билан ҳам эътиборга сазовордир.

«Тошавтотранс» акциядорлик компанияси ва «Зав-тосаноат лизинг» компанияси ўртасида бундай кулабанс-порт воситаларидан 100 тасини сотиб олиш учунэтинг шартномаси имзоланган эди. Янги рўсумдаги абу-снинг техник хусусиятидан келиб чиқиб, «Мерседесбенц» автобуси мисолида ҳайдовчилар билан назарий тама-лий машгулотлар ўтказилди. Ҳар бир автобусга ярисв техник хизмати кўрсатиш тадбирлари қўрилди.

Анвар Ойдов

**ЭКСПЕРТЛАР:**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўининчи ялпи мажлисида «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни маъқуллангани хорижий мамлакатлар олим ва тадқиқотчилари, ижтимоий-сиёсий доираларининг кўзга кўринган вакиллари ва журналистлари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Сенатнинг қарорига муносабат билдирар экан, Москва давлат университети ҳузуридаги Собик совет иттифоқи ҳудудидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўрганиш бўйича ахборот-таҳлил маркази директори ўринбосари Алексей Власов (Россия) Ўзбекистон жамиятини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйётганига эътибор қаратди. «Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ тизимига киритилаётган ўзгаришларни таҳлил қилиб бораётган дунё олимлари айнан ана шу хулосага келмоқда, — деди у. — 2005 йил августида Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Бу масаланинг эътиборга молик томони шундаки, қонунчиликка ўзгариш киритиш жараёни бошланганидан аввал кенг жамоатчилик, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва жамиятшунослар, халқро қонунчилик соҳасидаги мутахассислар иштирокидаги бахс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Мамлакатда ўлим жазосини бекор қилишга нисбатан билдирилаётган муносабат тўғрисида гапириб, ўлим жазосини бекор қилишга қарши бўлган фуқаролар сони кейинги йилларда бирмунча қисқарганига эътибор бериш лозим. Бу — мамлакат раҳбарияти томонидан нуфузли олим ва мутахассислар, кенг жамоатчилик ва, албатта, оммавий ахборот воситаларини фаол жалб қилган ҳолда маънавий тарзда амалга оширилган тушунтириш ишларининг натижаси экани аён.

Италиянинг Европа Иттифоқидаги доимий ваколатхонаси маслаҳатчиси, Италиянинг ЕИ Кенгаши Ишчи гуруҳидаги аъзоси М.Коччаторининг фикрича, Сенатнинг қарори Ўзбекистон раҳбарияти томонидан 2005 йил августида илгари сурилган ва суд-ҳуқуқ тизими ҳамда жиноят қонунчилигини ин-

сонпарварлаштиришга қаратилган ташаббусларнинг мантикий давомидир. «Президент Ислам Каримов Фармонининг ҳаётга татбиқ этилиши жиддий тайёргарликни талаб қилади ва шу боис қонунчилик ҳужжатларининг Сенат томонидан маъқулланиши ўз вақтида кўрилган чора бўлди», — деди италиялик дипломат.

Лувен католик университетининг юриспруденция ва сиёсатшунослик профессори К.Малфлит хонимнинг таъкидлашича, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан Ўзбекистон ўзининг юридик тизимини эркинлаштириш ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган муҳим қадам ташлади. Бельгиялик олиманинг айтишича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва институционал ислохотлар, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар, Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатдаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш ва уларни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқро андозаларга мослаштиришга бўлган интилишини намойиш этади.

Швейцария Федерал ташқи ишлар департаментининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсат бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Барлохер Ўзбекистон Сенати томонидан юқорида айтиб ўтилган қонунларнинг маъқулланганини мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасидаги низоҳатда муҳим воқеа, деб баҳолади.

— Ўзбекистон жиноят қонунчилигини эркинлаштириш, жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш ва «хабеас корпус» институтини амалга киритиш борасида Марказий Осиёнинг етакчи давлатидир. Шу боис аксарият мутахассислар томонидан билдирилаётган Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилишга аризулик воқеа экани тўғрисидаги фикрига бемалол қўшилса бўлади, — деди швейцария ташқи сиёсат маҳкамаси вакили.

«2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўлим жазосини бекор қилмоқда» — мана шу сарлаҳда остида «Европа» ахборот агентлиги томонидан тарқатилган хабарда Ўзбекистон Сенати «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбе-

кистон Республикасининг Қонунини маъқуллагани айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўзининг охириги ялпи мажлисида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга алоқадор бўлган иккита қонунни маъқуллаганини таъкидлаган ҳолда агентлик, жумладан, бундай деб ёзади: «Қамоққа олиш масаласига тўхталиб, шуни айтиш мумкинки, Сенат томонидан маъқулланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қамоқда сақлаш мuddати шахс қамоққа олинган пайтдан бошлаб 72 соатдан ошishi мумкин эмас. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чораси қўлланган тақдирда суд 24 соатдан ошмаган мuddат ичида ҳибсга олинган шахснинг оила аъзолари ёки яқинларидан бирига бу ҳақда хабар бериши шарт. Қонун, шунингдек, ҳеч ким суднинг қарорисиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслигини ҳам назарда тутди».

Ўлим жазосининг бекор қилиниши тўғрисида фикр юритиб, «Европа» агентлиги, хусусан, қуйидагиларни таъкидлайди: «Ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Ўз навбатида жазонинг бу тури 60 ёшдан ошган ёки ҳали 18 ёшга етмаган инсонларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Худди шу қонуннинг ўзи умрбод қамоқ жазосига маҳрум қилинганларнинг сақланиш шартларини (камарнинг катталиги 4 квадрат метрдан кичик бўлмаслиги, маҳбус ҳар ойда озиқ-овқат ва биринчи галда керак бўладиган маҳсулотларни сотиб олиши, йилда бир марта яқинлари билан учрашиши, телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқига эгаллиги, кунига бир ярим соат давомида сайр қилиши мумкинлиги) белгилаб беради».

Европа институтлари қонунларнинг Сенат томонидан маъқулланишига ижобий муносабат билдирганини таъкидлар экан, агентлик бу қарор Ўзбекистон жамиятини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг янги босқичини очиб бевуқчи муҳим қадам эканига эътибор қаратган.

«Жаҳон» АА.

**«Камолот»**

**ЯНГИ ПОЙИҲА БИЛАН**

**ЁШЛАРНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ, МАҚСАД ВА ИНТИЛАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ, МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ЎЗARO ФИКР АЛМАШИШЛАР, КЎНГИЛОЧАР ДАСТУРЛАР ҲАМ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.**

Жорий йилнинг 1 августидан 5 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб «16-воёга етдик» лойиҳаси ўтказилмоқда. Ушбу лойиҳа «Янги кайфият», «Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз», «Обод шахрим!», «Юлдузлар уйинида», «Мен Ўзбекистон фуқаросиман!», «Ватан рамзлари», «Талабалик муборак!» каби йўналишлардан таркиб топган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад истиқлолимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, улар ўртасида тинчлик, эъзулик, соғлом турмуш тарзи каби олий неъматларни кенг тарғиб қилиш, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ англатиш ҳамда йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган.

Лойиҳа доирасида маҳаллаларда яшовчи ёшларни Мустақиллик байрами билан қутлаш мақсадида танлик хонандалар, ёзувчи-шоирлар ташрифи ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, байрам арафасида топширилажак диққатга сазовор жойларга ёшларни жалб этиб, ҳаёт тадбирларини ўтказиш режалаштирилмоқда. «Камолот» ЕИХ томонидан Олий ташкил муассасаларининг 1-босқичига қабул қилинган талабалар учун ҳамда барча мактабларнинг биринчи синфига бораётган ўқувчиларга байрам совғаси топширилиши алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айни кунларда ушбу ташкилотнинг Тошкент шаҳар бўлими «Юлдузлар ташрифи» лойиҳаси бўйича бутун шаҳар маҳаллалари бўйлаб иш бошлади. Ушбу тадбир Сергели туманининг «Янги ҳаёт», С.Рахимов туманининг «Дўстлик» маҳалласида бўлиб ўтди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

**СУЯНЧ ВА ТАЯНЧ БЎЛИШМОҚДА**

**МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТУВЧИЛАР ЗУККО, БИЛИМЛИ, ЯНГИЛИККА ЎЧ, ФАЙРАТ-ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРДИР. БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯЛАШ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ҲАМДА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.**

Бу борада «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими ҳам режавий савий-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ёшларни билимли, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, юрти, халқ фаровонлигига ҳисса қўшиш руҳида тарбиялашда «Камолот»чиларнинг ўрни ўзгача.

— Айниқса, кейинги йилларда, — дейди «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими кенгаши раиси Ворисхон Акайдинов, — ёшларимизнинг ёзги таътиллари пайтини мазмунли ўтказиши мақсадида анъанавий тарзда уюштирилган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси янги самара бермоқда. Лойиҳадан кўзда тутилган бош мақсад ҳам ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун қилиш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида, харбий- ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдан иборат. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, болалар орасида спортнинг миллий ва оммавий турларини кенг тарғиб қилиш, мустақил фикрлашга ўргатиш, бирон касб-ҳунарни эгаллашга қўмақлаш режавий ишларимиз сирасига қиради.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида жорий йилда 22 та йўналиш бўйича ёшларни янада жипслаштириш имконияти яратилди. Шу ўринда ўқув марказлари фаолиятини алоҳида таъкидлаш ўринли. «Компьютер саводхонлиги», «Сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик», «Инглиз, рус, араб тиллари» курсларида 200 нафардан ортиқ кам таъминланган, кўп болали, моддий ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари тахсил олишди. Жумладан, фақат қизлар учун «Моҳир кўлар» йўналиши бўйича бисер тикиш ва зардўзлик сирларини ўрганиш бўйича курсларда ҳам кўпга қизлар ўқишмоқда. «Замонавий ракс» тўрагининг иши ҳам таҳсинга лойик. Унда қиз ва ўғил болалар ўз бўш вақтларини қизиқарли ўтказишларига қўлай шартроилар яратилган. Энди спорт ва маданий ҳордиқ бўйича ишлар хусусида тўхталадиган бўлсак, туманининг деярли ҳамма маҳаллаларини қамраган ҳолда «Мен футболчи бўламан» тўрагининг фаолияти ҳам, айниқса самарали бўлмоқда, унга 9-10 ёшдан 13-14 ёшгача бўлган болаларнинг иштироки таъминланган.

Лойиҳадан ўрин олган «Камолот кунини»да шаҳар ташқарисида жойлашган сўлим, хушманзара «Чотқол» ва «Фазоғир» болалар ёзги оромгоҳларида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, баскетбол, бадминтон, футбол, шунингдек, «Кувноқ эстафета», «Хўрозлар жанги», «Робинзон» каби ўйин турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Фолибларга совринлар топширилди. Тумандаги тажрибали сардорлар бириктирилган, 3 сменада ташкил этилган болалар оромгоҳларида 1450 нафар болаларнинг мириқиб ҳордиқ чикаришиди. Ҳар ойда бир марта 50 нафар болалар учун Тошкент Ҳайвонот боғи, кутубхоналар, «Ўзбекистон кино санъати» ҳамда «Олимпия шон-шўхрати» музейлари, «Тошкент планетарийси»га қизиқарли саёҳатлар ташкил этилди.

Эътиборли томони, ушбу тумандаги «камолот»чиларнинг ёзги лойиҳалари бошқа ҳудудлардагидан фарқ қилади. Уни амалга оширишда ҳам ёшларнинг алоҳида гайрат-шижоати, топқирлиги, болажонлиги яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса, кенгаш қошида ташкил этилиб, туманда ўз ўрнига эга бўлган «Афсона» гуруҳи аъзоларининг маданий тадбирларнинг чиройли, таассуротларга бой тарзда ўтишида, ёшларнинг руҳиятига ижобий таъсирида ўрни ўзгача.

Ёшларнинг суянчи ва таянчи ҳисобланган «камолот»чилар тумандаги 101 нафар яқка-ёлғиз қарилар ҳолидан ҳам хабар олиб, улардан ёрдамларини аямаяпти. Бу албатта, таҳсинга лойик ҳамда ёшларимизнинг ўз заминига, юртдошларига меҳр-муҳаббат туйғуларини оширишда аҳамияти беқеъис.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

**Касаба уюшмалари фаолиятидан**

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ПОЙДЕВОРИ**

**АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТИЗИМ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНАФАТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИШ БЕРУВЧИЛАР ВА КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН БИРГАЛΙΚΙДА ТУЗИЛАЁТГАН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛМОҚДА.**

Бунинг учун шаҳар кенгаши ҳар йил бошида ўзининг йиллик иш режасини ва тадбирларини тузиб, қуйи касаба уюшма ташкилотларига етказмоқда ва жамоа шартномаси орқали етказмоқда, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бормоқда.

2006 йилда тизимнинг 191 та корхона ва ташкилотларида тузилган жамоа шартномалари билан 28905 нафар ишчи-хизматчилар қамраб олинган.

Тузилган жамоа шартномаларининг аксариятида «Ижтимоий имтиёз ва қаролатлар» бўлимига катта аҳамият берилиб, унда ходимларга, айниқса ишлаётган ногиронларга, меҳнат фахрийларига, пенсионерларга, кам таъминланган ходимларга, ёш боласи бор аёлларга ва қўшимча ёрдамга муҳтож одамларга қатор имтиёзлар ва қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш тадбирлари белгиланган.

Жойларда касаба уюшма қўмиталари жамоа шартномасидаги тадбирларни амалга оширишга эътибор билан ёндошиб ходимларга барча қўлайлиқлар яратишда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда раҳбарият билан ижтимоий шерикчилик тамойили асосида фаол ҳаракат қилмоқдалар.

Бундай ҳаракатлар эса ўз самарасини бермоқда.

2006 йил якуни бўйича тизимда жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ микдори 936,4 минг сўмни ташкил этди. Бунда ижтимоий имтиёзлар, қўшимча тўловлар, усталмалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар уллуғ 79,4 фоизга тенг бўлди.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, тизимнинг нодавлат секторида, айниқса ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ микдори анча баланддир. Жумладан, «Ташминотчи-хизматчи» ва «Тошкентдоиммаҳсулот» акциядорлик жамиятларида, «Тошкент ёғ-мой комбинати» қўшма корхонасида ушбу маблағ микдори юқори кўрсаткични ташкил этади.

Бундай юқори кўрсаткичлар негизда энг аввало корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сепкасининг бошлангич ставкаси микдорини республикада ўрнатилган минимал иш ҳақи микдоридан бир неча баробар юқори ўрнатилиши ётади. Жумладан, «Ташминотчи-хизматчи» акциядорлик жамиятида жамоа шартномаси орқали республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақидан 3 баробар юқори белгиланган бўлиб, ҳозирда 37260 сўм, «Тошкент ёғ-мой комбинати»да эса ушбу рақам 40 минг сўмни ташкил этди. Ўртача ойлик иш ҳақи ўтган 2006 йилда юқоридан номи таъкидланган корхоналарда 228,3 минг ва 179,4 сўмдан иборат бўлди.

Агросаноат мажмуи тизимидagi кўпчилик корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаси асосида ходимларга тушлик оватқатлиши, шаҳар транспортда юриш харажатларини қоплаш пули, кузда ҳар бир ходимга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун ёрдам пули берилади.

Ходим тули қилганда, фарзанд кўрганда, яқин қариндоши вафот этганда ва бошқа кўп ҳолатларда ҳам иш бевуқчи томонидан моддий ёрдам берилиши қаролатилган.

Бундан ташқари тизимнинг 96 та кор-

хона ва ташкилотларида қўшимча ҳақ тўланадиган таътилдан 14,5 минг нафар ходим фойдаланди.

Жамоа шартномалари орқали иш бевуқчи томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш мақсадида санаторийларга йўланмалар учун 93,9 миллион сўм маблағ тўланди.

Тизимнинг бир қанча корхона ва ташкилотларида, жумладан «Марказий» комбина-тида ва «Пахтаозалаш ИИЧБ» акциядорлик жамиятида аёлларга, айниқса ёш болали аёлларга маоши тўлиқ сақланган ҳолда 1 соатга қисқартирилган иш кунини ўрнатилган.

Тошкент шаҳар кенгашининг комиссияси тизимдаги корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказишда иш бевуқчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда олдидан касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш шартининг жамоа шартномасига киритилишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги кунда агросаноат тизимида шаҳар ҳудудидаги деярли барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларига ушбу шарт киритилишига эришилди.

Бундан ташқари Президентимизнинг «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25 августдаги Қарорининг ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шаҳар кенгашининг эксперт комиссияси қўрилаган жамоа шартномасида шартномаларига иш бевуқчи томонидан корхона ва ташкилотларда маънавий-маърифат ишларини янада фаоллаштириш мақсадида тегишли хоналарни ёки бурчакларни ташкил этиш ҳамда керакли жиҳозлар билан таъминлаш мажбуриятини жамоа шартномасининг «Маданий, оммавий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш, спорт ишлари» бўлимига алоҳида банд қилиб киритилишини тавсия этмоқда.


2007 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинишини тармоқдаги касаба уюшма қўмиталари давлатимиз раҳбарияти томонидан билдирилган катта ишонч ва юқлатилган шарафли масъулият деб тушунишмоқда. Чунки, касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳам, бурчи ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашдир.

Шунинг учун ҳам тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши «Ижтимоий ҳимоя йили» тадбирлар дастурини тузиб қўллана сифатида қуйи ташкилотларга етказди.

Бунда бошлангич касаба уюшма қўмиталарининг эътибори энг аввало ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга, яъни кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ишлаётган ногирон ва пенсионерларга моддий ёрдам бериш каби тадбирларни ўзларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» бўйича тузаётган дастурларига киритишга қаратилмоқда.

Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда кўч-ғайратимизни аямаймиз.

Шавкат ҚўШОҚОВ, Тошкент шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раисининг ўринбосари



**Танловлар**

**ШАҲАР БОСҚИЧИ ҲОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ**


Кеча Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида «Энг улуг ва энг азиз» кўриқ-танловининг якуний шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи йринбосари Абдулла Сулаймонхўжаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда ўн йилдан буюн ўтказиб келинаётган «Энг улуг ва энг азиз» танловининг нуфузи ва аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини, бу йилги танловда аввалгига нисбатан иштирокчилар сони яна ҳам ортганлигини, жумладан бу йил танловнинг илк бор шаҳар босқичи ўтказилаётганлиги ва танловнинг Тошкент шаҳар ҳайъатига 300 на танловнинг ишлар тақдим этилганлигини мамнуният билан қайд этишди. Шунингдек, Президентимиз Қарори асосида ўтказиб келинаётган маъруза танлов мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жа-

мияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказуви, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодини она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатуви, ижтимоий ҳаётда демократик ўзгаришлар ва янгилаш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокчиликни ижодкорларни эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати-ни ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида ўтказилаётган таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида «Энг улуг ва энг азиз» танловининг шаҳар босқичи ҳолиблари ташкилотчилар томонидан эс-далик совғалари ҳамда Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Шу кунин танлов доирасида Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан «Энг улуг ва энг азиз» танловининг шаҳар босқичи кўргазмаси ташкил этилди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: танлов ҳолиблари тақдирлаш маросимидан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар



**МАЪЛУМИ, ҲАР ЙИЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ, РЕСПУБЛИКА «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ИЖОДИЙ УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ВА «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЭНГ УЛУГ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА. МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШОДИЁНАЛАРИ АРАФАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЪРУЗА ТАНЛОВНИНГ АЙНИ КУНЛАРДА ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ.**

Кеча Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида «Энг улуг ва энг азиз» кўриқ-танловининг якуний шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи йринбосари Абдулла Сулаймонхўжаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда ўн йилдан буюн ўтказиб келинаётган «Энг улуг ва энг азиз» танловининг нуфузи ва аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини, бу йилги танловда аввалгига нисбатан иштирокчилар сони яна ҳам ортганлигини, жумладан бу йил танловнинг илк бор шаҳар босқичи ўтказилаётганлиги ва танловнинг Тошкент шаҳар ҳайъатига 300 на танловнинг ишлар тақдим этилганлигини мамнуният билан қайд этишди. Шунингдек, Президентимиз Қарори асосида ўтказиб келинаётган маъруза танлов мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократ

ОЗ-ОЗ ЎЎТГАНИҚ ДОМО БЎЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Аҳмад Югнакий ҲИКМАТЛАР

Тили ёлгон эрдан йирок тур теза, Умрингни кечиргил тўғрилиқ уза.

Тўғри бўл, тўғри юр, тўғри ном қозон, Тўғри десин сени ҳар битта инсон.

Қаттиқ яшир—сиринг киши билмасин, Сўзингдан ўзингга ўкинч келмасин.

Ёлгон-сассиқ пиёз, тўғри сўз—асал, Пиёз еб сасима, бол е ҳар маҳал.

Ҳар қанча ишончли дўстинг бўлса ҳам, Кўнгил сирларига айлама маҳрам.

Бу дунё мисоли бир карвонсарой, У карвон аҳлига вақтинчалик жой.

Бу дунё кетидан югурар неча, Бахил тинмас жигар қонини ича.

Бойлик бугун келса, эртага кетар, Мулкинг бошқа биров қўлига ўтар.

Қанча обод ернинг чиқди тақрири, Гуркираган элнинг битди тақдири.

Кўнгилдан чиқар мол-дунё сўқлигин, Иста уст бутлиги, қорин тўқлигин.

Дунё бойлигидан кийим, егулик— Бўлса бас, ортиги зийён бегулик.

Бебақодир ушбу дунё лаззати, Елдек кечар унинг тотли муддати.

Дунё гоҳ қош қоқар, гоҳ қовоқ солар, Бир қўлида асал, бирида захар.

Ширинлик еганда ачиқликка йўй, Бир роҳат ортида ўн ҳам тортар бўй.

Мол-дунё тўфайли бўлдинг-у улуг, Кибру ҳаво сени қул қилди тўлиқ.

Кибр тўнин кийиб, кўкрак кермагил, Халққа тилинг билан озор берма мўл.

Илондек дунёнинг иши сеҳр-жоду, Ювош деб алданма, ичи лиқ оғу.

Бу дунёнинг жуда чиройли таши, Лекин ичидадир минг бир нохуши.

Никобин кўтариб, дунё юз очар, Қўл ёзар қучгудек бўлибу қочар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



«Футболимиз келажиги — 2007»



«БОБОДЕҲҚОН» ЎСМИРЛАРИ ФОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Кейинги йилларда ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан бақувват, соғлом ва руҳан баркамол тарзда вояга етишлари йўлида кўп сабъ-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармалари томонидан Республика бўйича ҳар йили анъанавий тарзда маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажиги» мусобақаларидан ҳам айнан юқоридаги мақсадлар кўзланган. Ушбу

спорт мусобақаларини ўтказишда туман «Маҳалла» жамғармалари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, посбон ва сардорлар яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Айтиб ўтиш жоизки ҳозирги кунга келиб ушбу турнирнинг 1-2-босқичида 9-10 ёшлилар тоифасида 327 та маҳаллаларда бўлиб ўтган футбол мусобақаларида 149 жамоа қатнашиб 2235 нафар ёшлар қамраб олинди, 11-12 ёшлилар бўйича эса 176 та жамоа бўлиб 2640 нафар ёшлар иштирок этдилар. 13-14 ёшлилар ўртасида 197 та жамоа бўлиб 2955 нафар болалар қамраб олинди. 15-16 ёшлилар бўйича 205 та жамоа иштирок этиб 3075

нафар ёшлар иштирок этди. Жами турнирнинг 1-2-босқичида 10905 нафар ёшлар ушбу қизиқарли мусобақаларга жалб этилди. Мусобақаларни ўтказиш ва фойлибларни тақдирлаш учун «Маҳалла» жамғармалари томонидан 360000 сўм, ҳомийлар тарафидан 4 миллион 073 минг сўм маблағ сарфланди. Қуни кеча «Футболимиз келажиги» спорт мусобақасининг 15-16 ёшлилар ўртасида шаҳар босқичи финал беллашувлари бўлиб ўтди. Туман голибчилигини қўлга киритган қўли жамоалар энди пойтахт шарафини ҳимоя қилдилар. Нихоятда қизгин, мурасасиз, шиддаткор ҳужум, фақат галабага интилиш ру-

ҳида ўтган ушбу мусобақа қатнашчилар, томошабинларнинг қўллаб-қувватлаши билан ниҳоятда таассуротларга бой тарзда ўтди Кескин беллашува Юнусобод туманининг «Бободехқон» маҳалласи ўсмирлари голиб бўлиб, бош совринни қўлга киритдилар ва турнирнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Футболимиз келажиги» спорт мусобақасининг 15-16 ёшлилар ўртасида ўтказилган шаҳар босқичида лавҳалар Наталья Семёнова олган суратлар

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ САҒАРДАГИ ҒАЛАБАСИ

Кеча мамлакат XV миллий чемпионатининг олий лигасида иккинчи давра беллашувларини пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «ПАХТАКОР» ва «ҚУРУВЧИ» жамоалари ғалаба билан бошлашди.

Шуниси эътиборлики, «Локомотив» жамоаси меҳмони бўлган мамлакат чемпиони «Пахтакор» муро-

сасиз, шиддатли курашларга бой ўтган учрашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қила олди. Гейнрихнинг пенальтидан мезбонлар дарвозасига киритган ягона голи «Пахтакор»га муҳим уч очкони ҳада этди.

Фарғонада «Нефтчи» меҳмони бўлган «Қурувчи» жамоаси ҳам ҳужумкор, комбинацияли ўйин намойиш этиб Саркисян шогирдларини 2:0 ҳисобида мағлуб эта олди. Дарвозага тўларни Ҳайдаров ва Саломовлар йўллашди.

Ўз майдонларида «Навбахор-Н» жамоасини қабул қилган «трактор»чилар ҳам бу сафар муҳлисларини хурсанд қилишди. «Трактор»нинг тўлиқ устунлигида ўтган баҳс 3:0 ҳисобида тошкентликларнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди. «Трактор» муҳлисларини қувонтирган голларни Нўмон Ҳасанов ва Карлен Абрамов (2та) дарвозага киритишди.

Ушбу турнирнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Қизилқум—Олтин» —1:1, «Металлург» — «Бухоро» —2:0, «Вобкент» — «Тўпаланг» —2:2, «Андижон—Ўз» — «Насаф» —1:1, «Машғал» — «Самарқанд—Динамо» —3:1.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 17-тур беллашувлари 16, 17 август кунлари бўлиб ўтади.

Ёзги биатлон

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ КЎПАЙДИ ҚОЗОГИСТОНДА ЁЗГИ БИАТЛОН БЎЙИЧА

Ўзбекистон, Хитой, Мўғулистон, Қозоғистон, Россиядан ташриф буюрган 80 нафар спортчилар орасида ҳамюртимиз Руслан Носиров муваффақиятли қатнашган ҳолда 3 та олтин, битта бронза медалини қўлга киритди. Дарвоқе, терма жамоамиз аъзоларидан Анузар Юнусов учта, Мурод Ҳожибоев ва Жамшид Тиллаевлар биттадан кумуш медалларга сазовор бўлишди.

Аёллар ўртасида ўтказилган мусобақалар ҳамюртларимиз учун наватдаги медалларни тақдим этди. Ҳамюртимиз Зарина Мамедова китъа биринчилигидан олтин ва бронза медали билан қайтган бўлса Дилафрўз Имомхусановага иккита бронза медали насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида қозоғистонликлар биринчи ўринни эгаллашган бўлса, ҳамюртларимиз — иккинчи, россияликлар — учинчи ўри билан кифояланишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕИ

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУЗЕЙИ ТУБ ТАЪМИРЛАНИБ, ЗАМОНАВИЙ КИЎФА КАСБ ЭТДИ.

Тиббиёт

МУЗЕЙНИНГ НОЁБ ЭКСПОНАТИ

Айни вақтда унинг экспозициялари қизиқарли экспонатлар билан бойиди. Улуғ шифокор Абу Али ибн Синога бағишланган мемориал залга қўйилган янги шишалар ҳам томошабин эътиборини ўзига тортади. Германиянинг Дрезден гигиена музейи томонидан тортиқ қилинган экспонатга қизиқиш ортди. Бугун дунё бўйича олтига нусхада тайёрланган бу «шиша одам» моделининг бири эндиликда музейнинг ноёб экспонатига айланди. Инсон ички аъзолари — асаб, юрак-томир тизими, нафас, овқат ҳазм қилиш аъзолари бус-бутун акс эттирилган мазкур модел талабаларга анатомия бўйича билимини бойитишда кўрғаз-мали қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Бу — қизиқ

ЎЗ ТАНАНГИЗНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ?

Инсон танаси бир кеча-кундузда 1,5-2 литр миқдорда меъда шираси ишлаб чиқарар экан.

Юрак тинч ҳолатда 1 дақиқада 5,5 литр қонни ҳайдар экан. Агар зўр бериб ҳаракат қилса, бу кўрсаткич 30 литргача кўтарилиши мумкин экан.

Одам танасидаги жами қоннинг 1,5 қисми жигар томирларига сийғиси мумкин.

Ажабо, меъдага 20 кун мобайнида танамиз вазнига тенг бўлган хилма-хил озиқ-овқатлар ва сув тушар экан.

Афанди латифалари

ҲАРФНИНГ ФАРҚИ

Кўклам кунларининг бирида Насриддин Афанди қўшнисига деди: —Худонинг қудратини қаранг, дарахтлар ҳам ҳарф ажратар экан. —Бу нима деганинг? —Қузда қўноқ тутган балиқ тут куртагини пайванд қилган эдим, меҳнатларим зое кетди. —Сабаб? —Мана шу сабабига доғманда, куртак пайванд пўстлоқни босмача «т» шак-

лида ўйиш керак экан, мен фарқида бормай ёзмача «т» шаклида ўйган эканман, ҳарфнинг фарқига етиб, қилган пайвандларимдан бирортаси ҳам кўкармади.

ҚИЗЛАР КЕСИБ ЎТМАСИН

Насриддин Афандининг хотини эрини ҳар кун камиди бир марта эгзовламаса кўнгли ўрнига тушмас эди. Насриддин бугунги «имтиҳон»дан кейин жуда хафа бўлиб турган вақтда унинг ҳузурига кел-

ган ўғли сўради: —Дада, кўчада кетаётган кишининг йўлини мушук кесиб ўтса, унинг иши кейинга кетиши тўғрими? —Мутлақо нотўғри. —Нега? —Олдиндан мушук эмас, йўлбарс ўтса ҳам майли, зарарсиз, аммо қизлар кесиб ўтмасин. —Кесиб ўтса нима бўлади? —Ҳаётинг захар-зақумга айланади. —Далил келтира оласизми? —Албатта. Мен бўйдоқлигимда онан олдимдан чиқиб, йўлимни кесиб ўтган эди

Мунажжим башорати

ИНТИЛУВЧАНЛИК, МЕҲНАТСЕВАРЛИК КУНИ

9 АВГУСТ, ПАЙШАНБА Мунажжимларимиз тазбирчи, бугун мағрурлик, интилувчанлик ва меҳнатсеварлик туйғулари устувор бўладиган кун. Қарор топган ўзаро муносабатларга кескин ўзгаришлар киритиш учун ҳам бугунги кун омадли ҳисобланади. Аммо узок муддатли режалар тузишга бугунги кун тўғри келмайди.

Бугун беҳуда сўзамолликлар, баҳс-мунозараларга кўп куч ва вақт сарф бўлиши муносабати билан Оймонамиз кўпроқ сукут сақлашга даъват этади. Қимматбаҳо харидлардан тийилганингиз маъқул. Зеро, пулни беҳуда сарфлаш эҳтимоли кучли. Тасодифан идишнинг синиши кутилмаган бахт белгиси.

БУГУН: —одатий ишларингизни давом эттириш; —муҳим бўлмаган турмуш ва хизмат муаммоларини ҳал этиш;

—ўз вазифаларингизни бажаришда электрон ва бошқа техникалардан унумли фойдаланиш; —қийинчиликлар ва майда иқир-чиқирларга қувноқлик кўзи билан қараш;

—мураккаб вазиятларда дўстларингиз ва танишларингизга мурожаат этиш тавсия қилинади.

—Янги ишни бошлашдан, айниқса ўз нуфузингизга пугур етказадиган хатти-ҳаракатлардан, зарурат бўлмаган ҳолда ўз бошлигингиз ва бошқа раҳбарлар билан мулоқотда бўлишдан ўзингизни тийинг.

Кўзга ташланмайдиган, ранглари «ювилиб етган» либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Янги мавсумнинг очилиши муносабати билан Тошкент Давлат цирки куйидаги бўш ўринлар мавжудлигини билдиради: 1.Рақс гуруҳи — 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар 2.Униформа — 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигитлар 3.Ҳайвонларни парваришlash бўйича хизматчилар 4.Овоз оператори — компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган Телефонлар: 144-34-35, 144-35-09, 144-37-31

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18

ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг собиқ ходимлари диққатига!

Тугатиш бошқарувчиси ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг собиқ ходимларига 2005 йил 25 декабрда бўлган иш ҳақи пулларини олиб кетишлари лозимлигини билдиради. Иш ҳақи пуллари ҳар кун соат 15.00 дан кейин ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг эски маъмурият биносига берилади. Манзил: Тошкент ш. Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уй. Ўзингиз билан паспорт ёки олувчи номига нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 155-60-36, 185-05-18

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6